



Иқтисодий,
ижтимоий-сиёсий,
бадий-оммабоп

Asaka hayoti

Газета 1930 йил, 15 сентябрдан чиқа бошлаган.

2023 йил, 17 ноябрь, № 18 (7711).

ISSN 2110

ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛИГЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ



17 ноябрь куни Асака туман ҳокимлигидаги депутатлар мажлислар хонасида Ўзбекистон ХДПнинг Халқ депутатлари Асака туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи ва туман партия кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси устидан

депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этилиши бўйича Асака туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар бўйича бўлим раҳбарининг ўринбосари Ф.Ураимованинг ҳисоботи эшитилди.

Йиғилишни ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари М. Саримсоқов ва туман партия

кенгаши раиси М. Дадажоновлар олиб бордилар.

Ушбу йиғилишда туман мактабгача ва мактаб таълими соҳаси раҳбарларининг вакиллари, туман партия кенгаши маъфура бўлими мудир М.Қодирова иштирок этдилар.

Шунингдек йиғилишда 1 ва 27 мактаб директорлари М.Раҳмонова, Д.Абдураҳмонова ва 28 МТТ мудираси Н.Хожимухамедовалар кун тартибдаги масала юзасидан жамоаларида амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборот бердилар.

ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари М. Саримсоқов Давлат дастурини ижросини таъминлашда таълим тизимида ишлаётган фидойи инсонларнинг меҳнатига катта баҳо берди ва келгусидаги ишларига катта муваффақиятлар тилади.



18 НОЯБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

*Қўлда байроқ билан
шаҳд қилинг - қайтмас,
Дунёни жасорат,
ҳайрат-ла ўранг.
Шундайин мўтабар,
шундай муқаддас,
Байроқнинг қадрини
Кубродан сўранг.*

Ана шу қутлуғ сана муносабати билан 55-умумтаълим мактабида "Дунё узра баланд хилпирагин, байроғим!" мавзусида ҳуқуқий-маънавият тадбири ўтказилди.

Тадбирда ижро этилган шеърлар, бадий чиқишлар ва спорт кўргазмаларида ўқувчи ёшларда ватан тимсолларига, давлат рамзларига ҳур хурмат ифода этилди.

Бугун Ватанимизнинг байроғи қабул қилинган кунга 32 йил тўлди!

"ОИЛА - МАҲАЛЛА, МАКТАБ"

Жорий йилнинг 20 ноябрь куни Ёшлар ишлари агентлиги Асака туман бўлими, Тиббиёт бирлашмаси, Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими билан ҳамкорликда 59-умумтаълим мактабида "Оила - маҳалла - мактаб" тамойили асосида ўқувчи ёшлар билан белгиланган тартибда суҳбатлар ташкил этилди. Тадбирда ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиши, навқирон ёш авлодни турли ҳил ҳуқуқ-

бузарликлар, экстремизм, гиёҳвандлик, "оммавий маданият" каби иллатлардан асраб-авайлашнинг, бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг, ёшларни касбга йўналтиришнинг муҳим омили бўлаётганлиги, фарзанд оилада жисмонан, фикран ва ахлоқан етук бўлиб тарбияланиши, кучли, соғлом фикр ва яхшиликлар билан вояга етказилиши зарурлиги ҳақида гапириб ўтилди. Ўқувчиларга "Тубанлик" ўзбек кинофильми намойиш этилди.

Мамлакатимизда

"Яшил макон" акцияси доирасида кузги манзарали кўчатлар ва гуллар экиш ишлари фаол олиб борилаётган кунларда Асака туманидаги маҳалла ва массивларда ҳам ушбу тадбирлар намунали ўтказилмоқда.

Суратларда кўриб турганингиз қишлоқ хўжалиги массивлари раислари ташаббуси билан акция доирасида амалга ошираётган кўчат экиш ишлари тасвирланган.

Х.ИСРОИЛОВ,
Туман ҳокимлиги
Матбуот хизмати
раҳбари.



АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ГЎЗАЛ ОДАТЛАР



2023 йил “1 декабрь - Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни”га бағишланган тадбирлар “Соғлом ҳаёт сари - биргаликда” шиори остида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва жаҳондаги вазият.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб тахминан 38,5 миллион бемор ОИВ билан касалланган. Уларнинг йиллик ўсиши 1,5 млн кишини ташкил этмоқда. Ушбу касалликдан ҳар йили 600 000 дан ортиқ одам вафот этмоқда. 2022 йил июль ойи охиридаги ҳисоб-китобларга кўра, ОИВ сабаб 40 миллиондан ортиқ одам вафот этган.

Ўзбекистонда ОИВ инфекциясининг биринчи ҳолати 1987 йилда қайд этилган. Шу пайтдан бошлаб 2022 йилнинг 1 январига 71 мингга яқин ҳолат қайд этилган, ОИВ инфекцияси билан касалланиб ўлганлар сони 23 мингга яқинни ташкил этган.

2022 йил декабрь ҳолатида Ўзбекистонда 45 мингга яқин ОИВ инфекцияси билан касалланган одам яшаётгани, уларнинг 55 фоизи эркаклар ва 45 фоизи аёллар экани маълум қилинганди. Бутун дунёда бўлгани каби вирус кўпроқ жинсий йўл билан юқади - 2021 йилда инфекциянинг бу тарзда юқиш кўрсаткичи 74,3% ни ташкил этган. ОИВ инфекциясининг инъекция йўли билан юқиши 15,4 фоизгача камайган (илгари 76,6 фоиз бўлган).

Инфекцияланганларнинг асосий ёши 30?49 ни ташкил этади, бу 51% дан ортиқ дега ни. Рўйхатга олинганларнинг 70% дан ортиғи антиретровирус терапиясида.

Касалликнинг онадан болага юқиш даражаси 2021 йилда 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 2,3

"Соғлом ҳаёт сари - биргаликда"

фоиз бўлган. 2011 йилдан 2021 йилгача 18 ёшгача бўлган болалар ўртасида касалланиш 3 баравардан кўпроққа камайган.

Ўзбекистонда 2027 йилга бориб ОИВ юқтириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билиши, махсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 фоизининг қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушиши режалаштирилмоқда. Шу вақтга келиб, ОИВнинг онадан болага юқишига барҳам бериш ҳам кўзда тутилган.

Президент “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди.

Унга кўра, аҳоли орасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023?2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Қайд этилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош асамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун “95?95?95” стратегияси илгари сурилган. Унда ОИВ юқтириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билиши, махсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 фоизининг қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушиши кераклиги режалаштирилган.

Бу стратегияни амалга ошириш учун 2023?2027 йилларда Давлат бюджети маблағлари, ОИТС, сил ва безгакка қарши курашиш бўйича Глобал жамғарма маблағлари, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузил-

мавий инвестициялар банкнинг қарз маблағлари ҳисобидан 120 миллиард сўм ва 54 миллион доллар маблағлар йўналтирилди.

Пуллар аҳоли ўртасида ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида тест-тизимлари ва ретровирусга қарши воситаларни харид қилиш, ОИТСга қарши кураш марказлари ва уларнинг туманлараро диагностика лабораторияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, кенг тарғибот ишларини ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилий тадбирлар учун сарфланади.

2027 йилда ОИВ инфекциясини юқтириб олган ҳамда ўз мақомини билган, махсус даволаш курслари билан қамраб олинган ва қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушган шахслар кўрсаткичи 95 фоизга етказилиши керак. Шу вақтга келиб, ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишига барҳам берилиши ҳам кўзда тутилган

Касаллик тўғрисида маълумотга эгамизми?

ОИВ- одамнинг иммунитет танқислиги вируси. ОИВ инфекцияси- одам иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарувчи юқумли касалликдир. ОИТС-Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, ОИВ инфекцияси юқиши оқибатида организмда юзага келадиган ҳолатдир. Бунда организмнинг химояланиш қобилияти кескин пасайиб кетиши натижасида турли хил юқумли ва ўсма касалликлар ривожланишига имконият яратилади. Касаллики чақирувчиси бўлган вирус одамни химоя кучла-

рини меъёрида сақлаб турувчи хужайралар яъни “Т-лимфоцит”ларни емириш хусусиятига эга.

Касаллик уч хил йўл билан юқиши исботланган:

1.Жинсий- ОИВ инфекцияли шахс билан жинсий алоқада бўлганда.

2. Парентерал- ОИВ мавжуд бўлган қон,унинг таркибий қисмлари ва компонентлари қуйилганда,аъзо ва тўқималар трансплантациясида,бир марта ишлатилган тиббий асбоб-анжомлар қайта ишлатилганда,стерилланмаган тиббий анжомлари(гинекологик,стоматологик,жаррохлик ва бошқалар)дан фойдаланилганда,шунингдек гиёҳванд моддани инъекция йўли билан қабул қилишда бошқа шахс ишлатган воситаларни ишлатганда.

3. Вертикал- ОИВ инфекцияли онадан хомилага хомиладорлик даврида(пренатал),туғиш пайтида(интранатал) ва эмизishда(постнатал)юқади.

Касаллики бошланғич даврида ҳеч қандай клиник белгилар бўлмаслиги мумкин. Кейинчалик тана хароратини сабабсиз кўтарилиши, ич кетиши, лимфа тугунларини катталашуви кузатилади.

Ушбу касалликни олдини олишнинг ягона ва ишончли йўли бу гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмаслик, тартибсиз жинсий муносабатдан сақланиш ва соғлом турмуш тарзига амал қилишдир.

Ҳозирги кунда ота-оналар фарзандлари келажакига бефарқ қараб келишмоқда.Никоҳсиз тиб-

бий кўриқдан ўтказмасдан келин олиш ёки қиз чиқариш,чет давлатларда бўлиб қайтган фарзандларини ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш,келинларини хомиладорлиқнинг илк даврида (12 ҳафтагача)тиббий кўриқдан ўтишига бефарқлик ҳолатлари аниқланиб келинмоқда. Бу салбий ҳолатлар ОИВФОИТС касаллигини кўпайишига асосий сабаб бўлиб келмоқда.

ОИВ касаллигига гумон пайдо бўлса вилоят ОИТСга қарши кураш марказида фаолият кўрсатётган “Ишонч хона” сига ва туманлардаги марказий поликлиникалар қошидаги “Пинхоний (аноним) хона” ларга мурожаат қилиш лозим.

Бизнинг Асака туманимизда ҳар иккала кўп тармоқли марказий поликлиникалар қошида Ишонч хоналари,фаолият кўрсатиб турибди. Шунингдек Марказий шифохона ҳудудида туманлараро ОИВ диагностика лабораторияси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шуни ёдда тутиш керакки ОИВФОИТС касаллиги фақатгина лаборатория тахлили натижасига кўра аниқланади.Сиз ўзингизда ОИВФОИТС касаллиги бор деб гумон қилсангиз юқорида айтилган ишонч хоналарига мурожаат қилинг ва гумондан фориг бўлинг.Билиб қўйинг Сиз тўғрингиздаги ҳар қандай маълумот сир қақланади.Сиз Пинхоний (аноним) хоналарга номингизни айтмасдан мурожаат қилиб қисқа фурсатларда лаборатория текширувидан бепул ўтишингиз мумкин.

М. УЗАҚОВ,

Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази Асака туманлараро ОИВдиагностика лабораторияси мўсул врач лаборанти.

М. ТЎХТАМУРОВОВ,

Асака туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи даволаш ишлари бўйича ўринбосари.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИДА ҚАТНАШИШДАН БОШ ТОРТГАНГАНЛИК УЧУН ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ МАВЖУДМИ? БОШҚА ДАВЛАТЛАРДАЧИ?

Дунёнинг аксарият мамлакатларида умум миллий аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиш мажбурийдир. Ҳар бир фуқаронинг аҳолини рўйхатга олишда иштирок этишига бўлган эҳтиёжнинг ягона аргументи инсоннинг ўзи ҳақида маълумотга муҳтож бўлган жамиятнинг бир қисми эканлигини англашидир. Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунга кўра аҳолини рўйхатга олишда иштирок этиш “инсон ва фуқаронинг ижтимоий бурчидир” Бир қатор мамлакатларда: АҚШ, Буюк Британия, Чехия республикаларида - қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жаримага тортилади. Туркияда аҳолини рўйхатга олиш куни (бир кун) мамлакатнинг барча аҳолиси уйдан чиқиб кетиши таъқиқланади, шунинг учун улар аҳолини рўйхатга олувчиларни кутишади. Боливия ҳукумати чегараларни ёпиб, шаҳарларда поездлар ҳаракати ва жамоат транспорт ҳаракатини бе-

кор қилади ва аҳолини уйдан чиқмасликка буйруқ беради. Аргентина ва Чилида қонун билан аҳолини рўйхатга олиш куни барча кўнгилочар жойлар, дўконлар, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг эшиклари ёпилади. Мамлакатимиз тарихида аҳолини рўйхатга олиш жараёнида иштирок этмаслик учун фақат бир марта жазо белгиланган. 1939 йилда, биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш амалиётида, рўйхатга олишдан бош тортиш учун жиноий жазо чоралари жорий этилган. СССР халқ комиссиялар кенгашининг бошпанасиз аҳолини рўйхатга олиш ва рўйхатга олиш тўғрисидаги махсус норасмий фармони қабул қилинган. Кейинчалик қарор бекор қилинган.

Б.ҒУЛОМЖОНОВ

Андижон вилояти статистика бошқармаси Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

Асака тумани ҳокимининг 2023 йил 14-ноябрь кунги 8-ФМ-сонли буйруғига асосан туманда 15-ноябрдан 15-декабрга қадар “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” деб белгиланди ушбу ойликда фаол иштирок этайлик.

Туманда содир бўлган фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар тахлил қилинганида 2023 йилнинг 20 ноябрь ҳолатига 75 та ёнғинлар содир бў-

кириши ёки электр жиҳозларини ёқиб назоратсиз қолдирилиш, газ печлари ва мўриконларни носозлиги, ёш болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, транспорт воситаларини вақтида техник кўриқдан ўтказилмаганлиги, фуқароларнинг низолари ортидан қастдан ўт қўйиш ҳолатлари натижасида содир бўлмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида 2 та ёнғин, 1 та газ ва ҳаво

ОЙЛИКДА ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

либ, 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 15 тага ошиб кетганилигини кўришимиз мумкин, содир бўлган ёнғинларни скторлар кесимида тахлил қилганимизда, 1-сектор ҳудудида 14/16 тага яъни 2тага ортганлиги, 2-сектор ҳудудида 11/24 тага ортганлиги, 3-секторда 17/20 тага ортганлиги, 4-сектор ҳудудида 18/15 тага яъни 3 тага камайганлигини кўришимиз мумкин.

Содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари тахлили шуни кўрсатмоқдаки, электр симларининг эс-

аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлди.

Хурматли ҳамюртлар сизларда ўзингизни ва ўзгаларни ҳаёти ва соғлиғига, мол-мулкларингизни ёнғинда асраб авайлашингизни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраб қоламиз.

Х.ХУДАЙБЕРГАНОВ,

Асака тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғининг ўринбосари подполковник.

Ҳ

--- Ҳикоя ---

Ҳаётбек онасининг майин овози билан ўзини қақираётганини эшитиб, кўзини очди ва деразадан шошиб қаради.

-Вой-бу, қуёш кўтарилиб кетибди-ку! - дедию, лекин ўрнидан тургиси келмай ётаверди.

Кўрган тушини эслади. Тушига болалари ва хотини кирганди. Уларни эслаб, кўнгли ғаш тортди. У ўрнидан туриб кийинди-да, сочикни елкасига ташлаганича ҳовлига чиқди. Онаси аллақачон нонушта тайёрлаб сўрида тиззаларини қучоқлаганча у ётган хонанинг деразасига тикилиб унинг чиқишини кутиб ўтирарди.

“Мен одам эмасман, онамни кутдирдим-а?” деган ўйда ариқчада ювинган Ҳаётбек артинганича онасига салом берди.

Она-бола индамайгина нонушта қилишди. Ҳаётбек кўчага отланиб турганди, дарвозада дўсти Иқбол кўринди. У кела солиб Мурувват хола билан сўрашди. Кейин икки дўст биргалашиб овлидан чиқиб кетишди.

-Энди қаёққа борамиз? - сўради Иқбол. - кечаги айтилган жойгами?

-Сойкўчадаги Муҳаммаджон отани кўриб келсам дегандим?

-Ўша чол сенга нимага керак бўлиб олди?

-Дўстим, менга ҳамроҳ бўлгинг келаётган бўлса, сал ўзингни босиб, ақл билан гапиргин.

Ҳаётбек йўлда Муҳаммаджон отаникига нима учун бораётганлигини гапириб берди. Унинг овозидаги пушаймонлик оҳанги Иқболни ҳушёр торттирди.

-Биласанми,-деб сўз бошлади у йўлга тушгач, - болаликдан маҳалладаги қодир қассобга қарашиб, дўконда анча кўзим пишди. Мактабни тамомлаб, ҳарбийга кетдим. қайтиб келиб ҳам у кишига шогирдлик ишимни давом эттирдим. Ниҳоят, у киши менга оқ фотиҳа бердилар ва гузарда кичикроқ дўкон очишимга кўмаклашиб юбордилар. Орадан икки йил ўтиб, уйландим. Бир йилдан кейин ўғилчали бўлганимда нақ ўн кун бу тантанани нишонлаганмиз, эсингдами? Шу йили кўчада савдо қилаётган қизлардан ҳазил билан иккита лотерея чиптаси олгандим, машина чиқди, унияям роса “ювдик”. Ишим ривожланиб кетиб, қўлимда пул ўйнай бошлади. Янги уй солдим, онам, хотиним, ўғлим, пулим бор, ғам-ташвиш йўқ. Авваллари саломимга зўрға алик оладиганлар энди мен билан қучоқлашиб кўришарди. Кун ора зиёфат. Дастлаб бинойидек юргандим, кейинчалик, сен айтгандай, “айнидим”. Онам “Сен бойликни кўтаролмадинг” деб койигани-койиган эди. Менинг қулоқларимга гап кирмасди. Охир-оқибат, ошналарга ўралашиб, карта ўйинига берилиб кетдим. Мен дўконимда ҳалиям қассобчилик қилардим, лекин аввалгидек иштиёқ билан ишламасдим. Одамларни менсимай кўя бошладим. Бир куни олдимга келган қизчага молнинг турли хил гўштарини бериб юбордим. Бир оз вақт ўтиб у қайтиб келди. Онаси гўштни кўриб, уни койиганини айтиб, йиғлади. Нимагадир менинг жаҳлим чиқди ва қизча олиб келган гўштни яхшисига алмаштириб бермадим. қизалоқ нозик қўлчалари билан кўзларини ишқалаганча йиғлаб кетди. Шу пайт кутилмаганда олдимда Муҳаммаджон ота пайдо бўлди. У мени анчадан буён кузатиб турган экан шеклилли:

-Одамларга ёмонлик қилмагин, болам. ҳалидан бери сени кузатиб ўтирибман. Сен аввалги Ҳаётбек эмассан, ўзгариб кетибсан. Сени пул, бойлик ўзгартириб юборибдими дейман?-дея танбеҳ бера бошлади.

-Манман бўлиб нима қилдим?-сўрадим нозизи бўлиб.

-ҳозиргина қизалоқни йиғлатиб жўнатдинг. Шу норасида гўдакни койидинг, бунинг устига, унга ўтмай ётган матоҳингни пулладинг-а? Дилозорлик қилдинг. Инсоф қилмасанг, дилозор бўлсанг, одамларнинг назаридан қоласан. Оллоҳнинг қаҳрини келтирма, тилингни сал ширин қилгин, болам.

-Хўп, гапингиз тугадими? - дедим истамайгина.

-Билиб қўй, сенинг бу давринг ҳам ўтади.

-Ниятингизни яхши қилинг, ота. Нимага бировларнинг ишига аралашаварасиз? - менинг бу гапларимдан сўнг ота букчайиб қолгандай бўлди. Мен ғолибдай яна гапимни давом эттирдим. -Ўзингизни бўлмагандан кейин бошқаларнинг боласига насиҳат қиласизда-а?

-Эҳ, нодон бола-а, дилимни ёмон оғритдинг-а?- деди отахон маъюс тортиб.

Отахон ўзича нималарнидир гувранганича кетди. Мен эса бўлиб ўтган гап-сўзларни эслаб, янада жаҳлим чиқди. Тўғри-да, оқсоқол бўлса ўзига!

Бу воқеа кейинчалик эсимдан ҳам чиқиб кетди. Бир куни ишдан келсам, уйда қеч ким йўқ. қўшнимдан сўрасам, хотиним билан онам болаларимни касалхонага олиб кетишганини айтди. Касалхонага югурдим. Хотиним билан онам кўз ёши тўкиб, бир чеккада туришарди.

-Ҳа, нима бўлди? -дўқ аралаш хотинимдан сўрадим.

-Билмадим, иккаласи ҳам бирданига иситмалаб қолишди.

Шу пайт хотиним ичкарига қараб кета бошлади. қизим кўзини очиб, онасини йўқлабди. Икки хатлаб, хотинимга етиб олдим ва унинг юзига тарсаки туширдим. Бу шунчалик тез юз бердики, атрофдагилар ҳайрат билан қотиб қолишди.

-Билиб қўй, агар болаларга бирор нима бўлса, мендан шафқат кутмайсан!

Ўн беш кунгача касалхонага қатнадим. Онам ўғлимга, хотиним қизимга қараб туришарди. Уйда ёлғиз эдим. Бир куни касалхонадан қайтишимда йўлда бир аёл қўл кўтарди. Машинани тўхтадим. Ёшгина жувон манзилени айтиб, ташлаб ўтишимни сўради. Тескари томон бўлса-да, рози бўлдим. Йўл бўйи гаплашиб кетдик. Манзилга етгач, жувон сумкасида пул ахтара бошлади. Мен қўлимни чўзиб, унинг оппоқ бармоқларидан ушладим.

-Керак эмас, бир йўла янаги сафар берарсиз.

-Янаги сафар бўлмаса-чи, - деди у нозланиб.

-Балки бўлар, бўлмаса уюштирамиз, - дедим шартта.

Икки кундан кейин у билан яна учрашдим. Бу тасодифмиди ёки у йўлимни пойлаганми, билмадим.

Шу куни касалхонага бормагандим. Бозорчадан ул-бул нарсалар олиб, кейин бормоқчи бўлгандим. қарасам, аёл ҳам бозорчадан чиқаётган экан. Уни машинамга таклиф қилдим. У ўтирди. Ундан ёқимли атир иси келарди. Бошим айланди. Яна гап - ҳазил-хузул билан уйимизга келиб қолибмиз. Уни уйимга таклиф қилдим. Ичимда “Бегона эркак билан унинг уйига кирмаса керак” деб ўйладим. Лекин у бу таклифни қабул қилди. У уйда ёлғизлигимни биларди, айтгандим.

Маҳбуба билан шайтоннинг измига бўйсундик. Бир пайт хонага кутилмаганда Нозик кириб келди. Унинг қўлида қандайдир буюм бормиди, ҳозир эслай олмайман. Мени бегона аёл билан кўриб, кўзлари даҳшатдан олайиб кетди, ҳаммасини тушунди, лекин бир гап айтмасдан хонадан чиқиб кетди. Кетар экан, стол устида турган болаларимнинг суратини олиб, бағрига босди:

-Энди билдим, болажонларимга отасининг касофати урибди,- деди алам билан.

Шу-шу хотиним уйга қайтмади. Болаларим тузалгач, уларни олиб отасиникига кетди. Орада бўлиб ўтган ишлардан беҳабар онам хотинимни айбларди.

-Битта тарсакига ҳам уйини бузадими? ҳар куни ичиб келиб урадиган эрларнинг хотини қанақа экан-а?

Менинг эса дардим ичимда, онамга ҳеч нарса дея олмайман. Ўшандан кейин Маҳбуба билан қайта учрашмадим. Болаларимни соғинаман, ўз ёғимга ўзим қовуриламман. Шундан кейин ича бошладим. Шу орада тоғдаги бир қариндошимиз тўйга айтиб кетди. Онам тўйга жўнади. Мен онамни тўйга олиб бориш ўрнига янги орттирган оғайниларим билан бирга зиёфатга жўнадим. Тунда уйимга ташлаб кетишди. ғирт маст эдим. Сигарет чекиб, чўғи ўчмасдан гилам устига ташлабман. Нафасим бўғилиб, иссиқдан кўзимни очганимда уй ёнаётганди. Кайфим тарқаб кетди, эмаклаб деразадан базўр айвонга чиқиб олдим.

Эртасига тўйдан қайтиб келган онам уй ўрнида қорайиб ётган вайронани кўриб, додлаб юборди. Онамнинг аҳволини кўриб, ўзимдан нафратландим. Ўша пайтда ўлгим келди, Ҳеч кимга мендан яхшилик ёки наф етмаса, яшамогнинг нима

кераги бор? Онам бўлса мени қучоқлаб йиғлади.

-Худога шукр, ўзинг саломат экансан. Уйингга ачинма, омон қолибсан-ку, болам.

Яхши ҳамки, отам ҳаётликларида маҳалланинг нариги чеккасидаги бир рус кампир кўчиб кетаётганда унинг уйини сотиб олган эканлар, ўша уйда яшай бошладик. Мен шундан кейин ҳам ақлимни йиғиб олмадим. Ошналарим билан “ўйин”ни давом эттириб юравердим. Бир куни машина ҳалокатидан омон қолдим. Шундан сўнг онам қўлимга нафақа пулини тутқазди.

-Мана бу пулни бозорга бориб сарфлаб келгин, қўшнилари қақириб, уч-тўрт кампирнинг дуосини олсам дегандим.

Эртаси куни онам маҳалланинг кекса аёлларини уйга қақириб, эҳсон қилдилар.

Фалокатдан омон қолганимда онамнинг гапларини эсладим.

-Сени менинг ва кўпчиликнинг дуоси асраб қолган, болам.

Шунда ўйланиб қолдим. Шунча пул топиб, бирор марта маҳалла аҳлига битта нон ҳам синдириб бермаган эканман. Энди кеч бўлса-да, одамларга фақат яхшилик қилмоқчиман. Муҳаммаджон отадан бориб кечирим сўрамоқчиман. У киши айтганидай, инсофни, одамгарчиликни унутиб қўйган эканман.

Иқбол дўстининг гапларини бир сўз демай эшитди. Ҳаётбекнинг бошига тушган ташвишу фалокатлар юки унинг ҳам юрагини зирқиратиб юборди.

Муҳаммаджон отанинг кампири уларни айланиб-ўргилиб кутиб олди.

Ота бетоб экан, уларнинг кириб келганини, салом беришганини ҳам сезмади.

-Ота, тузукмисиз? - сўради Ҳаётбек.

Ота кўзларини очмоқчи бўлганди, аммо фақат киприклари пирпиради, холос.

Ҳаётбек титроқ қўллари билан отанинг бармоқларини силаганча, яна овоз берди.

-Ота, кўзингизни очинг, мен сиздан узр сўраб келдим. Мени кечиринг.

Муҳаммаджон ота зўр билан кўзларини очди, бошини улар томонга бурди. Йигитларга қараб, кўзларида бир ёруғ нур йилт этиб кетди.

Ҳаётбек отанинг қўллари тутиб турарди. Ота мажолсиз қўллари билан йигитнинг бармоқларини силаб-сийпаб қўйди.

-Келинглари, болаларим, омонмисизлар? - секин сўради ота.

-Ўзингиз тузукмисиз?

-Мана ётибмиз, кутиб, - отанинг кўзлари қисилди, хўрсинди.

-Ота, сиқилманг, яхши бўлиб кетасиз.

-Онанг, келиним, болаларинг яхшими?

Ота яна жим қолди. Ҳаётбек яна отанинг қўлларида кафтига олди.

-Мени кечиринг, ўшанда дилингни қаттиқ оғритган эдим.

-Аллақачон кечирвордим, - ота хиёл кулимсиради. - Энди ўзингга ўхшабсан, кам бўлма. Тупроқ олсанглари, олтин бўлсин.

-Тезроқ тузалиб кетинг, ота. - Йигитлар ўрниларидан туришди.

Кўчага чиқишганда уларнинг руҳиятида бир энгиллик бор эди. Ҳаётбек онасини набираларини кўришга юборишни ўйлаб турганди. Шу пайт унинг фикрини ўқийтгандек Иқбол дўстига деди:

-Сен холамини қайнотангникига юбор, мен эса у ердан холамга қўшиб болаларингни, хотинингни ҳам олиб келаман.

-Келишармикан, Нозик мени кечирармикан?

-Кечиради, аёллар раҳмдил бўлишади. Нозик ақлли аёл. Яхшиси, мен ҳозироқ олиб келишга бораман. Сен уларни уйда кутиб тур.

Ҳаётбек дўстини қайнотасиникига жўнатгач, бир жойда ўтиролмади. Ошхонага кириб, чойнакка сув тўлдирди ва газни ёқди. Кейин ҳовлига чиқиб, гулларнинг қуриган шохларини қирқиб ташларкан, ўйлади. “Энди нариги ҳовлида янги иморат қурилишини бошлашим керак”.

қўллари ариқчада юваркан, шу пайт дарвоза очилди ва болаларининг шодон овози эшитилди.

-Дадажон, биз келдик!

Ҳаётбек илдам юриб, болалари томон интилди. Дарвоза олдида Нозик кулимсираб турарди.

ДОЛЛОР ВАСВАСАСИ

(киносценарий)

Дрон тасвирида йирик шаҳар, шаҳар марказидаги банклардан бирининг биноси. Бино ичига “учиб” кирамиз. Фоедан ўтиб, кассага яқинлашамиз. Кадрда касса пештоқидаги ““Золотая корона” халқаро пул ўтказмалари” реклама тасвири. Кадрда касса дарчасидан паспорт узатилган қўл. Кассир аёл паспортни олган, очиб кўради-да, компьютер мониторингидан кидиради. Паспорт эгасининг номига юборилган 100 доллор маблағ ҳақида маълумот кўзга ташланади. Кассир аёл компьютерга ёзувлар киритади. Принтердан чиқарилган қоғозларни дарча ортидаги йигитга узатади.

- Имзоланг. Туркиядан сизга юз доллор жўнатишибди.
- Раҳмат!... - оғзи қулоғида, кўзлари қувончдан чакнайди талаба йигит. - Туркияда ишлаёт-

ган дадам талаба ўғлининг туғилган кунига совға қилиб юборди...

Кадрда паспорт ва узатилган 100 доллор купюра.

Ўзида йўқ хурсандчилик билан банкдан чиққан талаба йигит. Доллорни қуёшга тоблаб қарайди. Мамнун, рақсга тушиб кетади. Кадр алмашиб, анҳор бўйида ўша хурсандчиликда ҳануз ўйнаб-кулиб келаётган талаба йигит. Яна доллорни томоша қилгуси келиб кетди. Пулни қуёш ёруғига тоблаб қарай бошлади. қандайдир тилло тақинчоқлар тақилган бармоқлар пулни илиб кетди. қўрқиб кетган йигит рўпарасидаги бўянган танноз, чиройли аёлни кўрди. У ҳам доллорни қуёшга тоблаб кўрган бўлди ва кўкрагига яширди:

- Майдалаб бераман.
- Керакмас, банкдан алмаштириб оламан! - деди жон ҳолатда йигит.

Чиройли аёл лабини буриб, талаба йигитга пул узатди...

Тасвирда банк кассаси. Узатилган доллорни олиб, у ёқ-бу ёғини узоқ айлантирган кассир. Кўзлари олайиб талабага тикилди. Сўнг ёнгинасидаги сигнал тугмачасини босди. Милиционер формасидаги икки йигит етиб келишди. Кассир уларга доллорни кўрсатиб, талаба йигитга ишора қилди. Тасвирда ҳибсхона. Сўроқ қилинаётган талаба...

Кадр алмашиб, ўша талабанинг яна кассадан 100 доллор олгани, кўчага чиққани ва хурсанд рақс тушиб келаётгани намоён бўлади. Яна ўша анҳор бўйига келиб, доллорни офтобга тоблаб томоша қила бошлайди. Яна пулни кимдир илиб кетади. Ўша чиройли ва бўянган танноз аёл пулни кўкрагига яширади.

- Алмаштириб бераман!... - дейди ва сумкасидан миллий пуларимизни чиқариб, санай бошлайди. Кадрда бир сиқим ўзбек сўмини узатган қўл. қўлга кишан келиб тушади. Тасвирда типирчилаётган таннозни қўлтиқлаб кетишаётган милиционерлар...

"ХАФСИЗ ТЕМИР ЙЎЛ ОЙЛИГИ"ДА БАРЧАМИЗ ФАОЛ ҚАТНАШАЙЛИК!

Инсон дунёга келиб, болаликнинг беғубор онларидаёқ дилига мақсад қўйиб бир олам орзулар билан яшайди. Улғайгач эса ниятларини рўёбга чиқариш учун интилади. Умр абадий эмас, лекин ҳар бир кунини оиласи, хамкасблари даврасида сермазмун, ширин, тотли ўтказган инсон бахтли ҳисобланади.

Бепарволик, лоқайдлик ва эҳтиётсизлик билан атрофга қаровчи инсонлар эса нафақат келажак, балки ўзи учун ҳам қайғурмайдилар. Эҳтиётсизлик ва бепарволик-инсон умрининг душманидир. У доимо кулфат келтиради.

Сўнгги пайтларда темир йўл транспортида бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари ва темир ишчи ходимлари билан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан 1 ноябрь кунидан 30 ноябрь кунига қадар **"Хавфсиз темир йўл"** ойлиги ўтказилмоқда. Тадбир давомида темир йўл атрофларида яшовчи аҳоли хонадонларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида, корхона-ташкilotларда ва таълим муассасаларида темир йўл тартиб қоидалари темир йўлларда белгиланмаган жойларда ҳаракатланмаслик, темир йўл атрофларида чорва ҳайвонлари боқмаслик, темир йўл изларига бегона жисмлар қўймаслик, вагон ойналарига тош отмаслик, ҳаракатланиб кетаётган юк вагонларига осилмаслик тўғрисида тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда. Телевиденияда ҳам шу мазмунда турли видео ролик-

лар намоиш этилмоқда. Афсуски олиб борилган шундай профилактик тушунтириш ишлардан кейин ҳам темир йўл тартиб қоида-сига амал қилмаётган шахслар учраб турибди. Жумладан 2023 йил 10 ой давомида Андижон темир йўл масофаларида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган, яъни темир йўл жиҳозларига шикаст етказган, темир йўл атрофларида чорва ҳайвонларини боққан, темир йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтган, ҳаракатланиб кетаётган юк вагонларига осилган 2100 нафар шахсга нисбатан қонуний чоралар кўрилган. Темир йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган профилактик тушунтириш ишларига қарамасдан белгиланган тартиб қоидаларга амал қилмаслик натижада темир йўлларда бахтсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Жумладан 2023 йил 10 ой давомида Андижон вилояти ҳудудидан кесиб ўтган темир йўлларда 3 та ҳолат содир бўлиб, ушбу ҳолатларни 1 таси ёши катта фуқаро билан, 2 таси вояга етмаган шахс билан содир бўлган. Содир бўлган ҳолатларнинг бири шахснинг ҳалок бўлиши билан тугаган, 2 та ҳолатда шахснинг оғир тан жароҳати олиши билан якунланган. Мисол тариқасида, 2023 йил 3 май кунги Қува-Асака темир йўл оралиғи 323 км 6 пикетида ҳаракатланиб келаётган йўловчи поезди Андижон вилояти Асака туманида яшовчи, МММ исмли вояга етмаган фуқаро **ота-ониси назоратидан четда қолиб**, темир йўлини белгиланмаган жойида ҳаракатланиши натижасида ҳарактла-

ниб келаётган поезд уриб юборган, бундан ташқари 2023 йил 6 август кунги Андижон-1 темир йўл бекатининг 329 кмда 1975 йилда туғилган Олтинқул тумани Жалабек МФЙда яшовчи фуқаро **Ғ.Ш.Н**ни уриб кетиши натижасида воқеа жойида ҳалок бўлган. Шунингдек 2023 йил 2 март кунги Асака темир йўл бекатида турган вагонлар остидан ўтмоқчи бўлган вояга етмаган фуқарони поезд ҳаракатланиши натижасида чап оёғини поезд босиб кетиб, олган тан жароҳати билан шифохонага ётқизилган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, темир йўл қонун-қоидаларига амал қилмаслик, темир йўлни белгиланган жойларидан ўтиш қоидаларини билмаслик ёки белгиланган тартиб қоидаларга амал қилмаслик шундай аянчли оқибатларга олиб келмоқда.

Халқимизда фалокат оёқ остида деб бекорга айтмаган, ана шу фалокат юз бермай туриб унинг олдини олиш зарур. Афсус ва надоматлар чекмаслик учун барчамиз бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик учун ҳам-жиҳатликда ҳаракат қилишимиз, доимо ҳушёр бўлмоғимиз лозим.

Мақсадимиз ҳеч бир инсон умри завола бўлмасин. Ҳар биримиз ҳамиша ҳушёр, зийракликни қўлдан бой бермайлик. Умр инсонга бир марта берилишини унутмайлик!

Андижон вилояти Транспортда ХТБ ХПГ катта инспектори майор.

Абдуллажонов Адаҳамжон Анваржонович.

Андижон вилояти Транспортда ХТБ ХПГ инспектори майор.

Мирзаева Шахнозахон.

Меросхўрлар диққатига!

Асака тумани Навоий МФЙ Навкан кўчаси 18-уйда яшаб, 2021 йил 08 февраль кунини вафот этган марҳум Ашуров Тохиржон Расуловичнинг, Асака тумани Беруний МФЙ Мироблар кўчаси 15-уйда яшаб 1994 йил 8 сентябрь кунини вафот этган марҳум Эргашев Арабжоннинг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Соҳилбўйи кўчаси 8-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи натариус Н.Хоналиевга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Қашқар маҳалласида яшаб, 2003 йил 2 декабрь кунини вафот этган марҳум Нурматов Маматкаримнинг, Асака тумани Турон кўчасида яшаб, 2008 йил 24 декабрь кунини вафот этган марҳума Асқарова Махпиратхоннинг, Асака тумани Байналминал МФЙ Бибиҳоним кўчасида яшаб, 2012 йил 14 июль кунини вафот этган марҳума Раҳматова Донохоннинг, Асака тумани Истиклол кўчасида яшаб, 2020 йил 1 октябрь кунини вафот этган марҳума Хайитова Матлубахон Абдухалиловнинг Асака тумани Бибиҳоним МФЙ Т.Малик кўчаси 61 уйда яшаб, 2011 йил 9 июль кунини вафот этган марҳум Джумабоев Абдуманнобнинг Асака тумани Озод МФЙ Оқсоқолота кўчаси 15 уйда яшаб, 2011 йил 11 ноябрь кунини вафот этган марҳум Холиков Хабибуланинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Умид кўчасида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи натариус М.Қурбоновга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Навоий МФЙ Ўзбекистон кўчаси 112-уйда яшаб, 2015 йил 29 сентябрь кунини вафот этган марҳум Сулаймонов Тўлқин Сайфутдиновичнинг Асака тумани Қадим МФЙ Қуйи қадим маҳалласи 26-уйда яшаб, 2003 йил 13 февраль кунини вафот этган марҳум Ёқубов Тўхтасиннинг, Асака тумани Бирлик МФЙ Тиллахон кўчасида яшаб, 1993 йил 18 январь кунини вафот этган марҳум Ғаниев Ибойжоннинг, Асака тумани Қайрағоч МФЙ, Турон кўчаси 102-уйда яшаб, 2020 йил 4 октябрь кунини вафот этган марҳум Қўлдашев Ураимнинг, Асака тумани Отиш МФЙ Қўрғонолди кўчасида яшаб, 2015 йил 13 август кунини вафот этган марҳума Солиева Дилоромхоннинг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Маргиноний кўчаси 7-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи натариус Ж.Файзиевга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Ободлик МФЙ Юқори Тувадоқ кўчасида яшаб, 2017 йил 19 апрель кунини вафот этган марҳум Мамирова Турғунонинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Соҳил бўйи кўчаси 9-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи натариус А.Аминовга мурожаат қилишлари сўралади.

"Халқ билан мулоқот

Ўзбекистон ХДП Асака тумани кенгаши Кўркам МФЙ БПТ да "Халқ билан мулоқот: муаммоларнинг самарали ечими" лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида тумани кенгаши раиси Муйдинжон Дадажонов, мафкура бўлими бошлиғи Махбуба қодировалар иштирок этиб фуқаролар билан кун мавзусидаги куз-қиш мавсумидаги муаммолар, "Аёллар дафтари", "Темир дафтари"га киритилган фуқаролар руйхатлари билан танишиб, уларга кўрсатилаётган имконият ҳамда имтиёзлар бўйича тўхталдилар. Давра суҳбатида маҳалла раиси Зумрадхон Райимова, маҳалла оқсақоли Абдусалим Абдумажидовлар маҳаллада олиб борилаётган ишлар ва муаммолар тўғрисида гапириб ўтдилар.

Асака тумани кенгаши депутати Салимжон Хайитов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган "Уйма



уй лойиҳаси" асосида ўз сайлов округида бўлиб, хонадонларга ташриф буюрди, ташриф давомида фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларни муаммолари, куз-қиш мавсумида юзага келган камчиликлари ҳақида ўрганиб, уларни муаммоларини тегишлари ташкilotлари билан ҳал этилишига ёрдам берди.

Р. АТАБОВЕВА.

БИЛДИРУВЛАР!

Асака тумани Ҳамдўстлик МФЙ Асака кўчаси 202-уйнинг Абдураимов Бахтиёржон ҳамда Абдураимова Матлубахонга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **бекор деб ҳисоблансин.**

Асака тумани Муқимий МФЙ 64-уй 9-хонадоннинг Абдулазизов Ғайратбекга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **бекор деб ҳисоблансин.**

Asaka hayoti
МУАССИС:
Асака тумани ҳокимлиги.

Муҳаррир
Раъно Атабоева.

Газета Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 11 февралда № 04-016 тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Асака шаҳри, Соҳил бўйи кўчаси, 6-уй, 32-хона.

Нашир кўрсаткичи: 64713. Офсет усулида босилган.
Ҳажми 1 босма табоқ. Қоғоз бичими А-3.
Баҳоси келишилган нархда.

Телефон: 232-35-73.
E-mail Asaka_hayoti@www.uz.

Буюртма №440.
Тираж: 1000.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета сифати учун босмахона жавоб беради.

Тижорат белгиси —(t)

Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди: 17:00.

Газета «Наманган Полиграф Пресс» МЧЖ компьютер марказида саҳифаланиб, чоп этилди.
Босмахона манзили:
Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

Навбатчи: Д.Хозинова.

